

«АВЕСТО» — МАДАНИЯТИМИЗ ДУРДОНАСИ

Бундан қарийб 3 минг йил илгари яратилган бу китоб яхшилик ва ёмонлик, раҳмдиллик ва ёвузлик, билим ва жаҳолатнинг инсоний тараққиётдаги ўрнини кўрсатиб берган буюк ҳазинадир. У халқимиз илдишлари, давлатчилигимиз асослари, қадим тарихга бориб тақалишдан, аждодларимизнинг юксак маънавиятидан далолат беради. Бу фикрни нақадар тўғрилигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги «Энг муътабар, қадимги қўлзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўлганди. Бу нодир китоб бундан XXX аср мукддда икки дарб оралиғида, мана шу заманда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди», деган сўзлари яна бир бор тасдиқлайди.

Шунинг учун ҳам шу йилнинг 3 ноябрида кўча Хоразм диврида дунё маданиятининг дурдонаси бўлиши «Авесто» китобининг 2700 йиллигини тантана қилиниши ва унда Юртбошимизнинг ушбу санага бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидида сўзлаган нутқда баён этилган фикрлар бу нодир китоб айни замонда бу қадим ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат эканлигини яна бир бор исботлаб берди.

«Хаёт йўриқномаси» сифатида минг йиллар давомида инсон ҳаёт тарзининг ўзига хос йўриқномаси бўлиб келган бу китоб кишиларни эзгуликка, яхшиликка, бунёдкорликка, илм олишга, ёвуз кўчларга, жаҳолат ва ёмонликка қарши курашишга даъват этиб, неча аср бўҳронларидан ўтиб, бугунги кунимизгача етиб келди. Унда баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча-тасаввурлар нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли хисса бўлиб қўшилди.

Президентимиз айтганидек, шу маънода Урганчдаги тантаналар фақат Ўзбекистон халқининг эмас, балки башариёт мулкига айланиб кетган «Авесто» китобини минг йиллар давомида авайлаб асраган, ўқиб ўрганган, унинг олижаноб гошларига амал қилиб, уларни мағриб мушарраф ташвиқ этиб келётган барча халқларнинг ҳам байрамидир.

Сўнгги йилларда олимларимиз, тадқиқотчиларимиз «Авесто»ни ундаги бебаҳо фикр-мулоҳазаларини ўрганиш борасида самарали изланишлар олиб борди. Бу изланишларнинг натижаси ўлароқ, «Авесто»нинг таржумаси амалга оширилди, мақолалар, монографиялар ёзилди. Олиб боришдан тадқиқотлар мазкур китоб айни ҳозирги Хоразм заминидан яратилган ва ягона тизимга келтирилганини кўрсатиб берди. Шу боис «Авесто»нинг 2700 йиллик тантаналари ўтказиладиган жой сифатида Хоразм заминининг танлангани бежиз эмас. Мана шу нукта назардан қараганда, Президентимиз «Авесто» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидида сўзлаган нутқда: «Агар биз Хоразмнинг шонли ўтмишини кўздан кечирсак, ватанпарварлик ва юртга садоқат, ботирлик ва фидойилик сингари улмас ҳаётларининг илдиш бевосита «Авесто» заминидан қувват олишини кўрамиз», деганида нақадар чуқур маъно бор.

Архитектор Полвонназар Салаев ишлаган ушбу ёдгорлик мажмуа лойиҳаси устида иш олиб бориш билан бир қаторда Урганчда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шовот каналнинг қирғоғида бунёд этилган бу ёдгорлик мажмуи 20 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Мажмуанинг асосий марказида меъморлик композицияси бўй-чўзиб турибди. Унинг баландлиги 18 метрни ташкил этади. «Авесто» китобини акс эттирган оқ мрамардан ишлаган ёдгорлик композициянинг тарихий ёқсимидир. Шунга монанд Урганч шаҳрининг маркази таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Йўллар, кўприклар қурилди. Шовот канали қирғоғидаги кишининг ҳавасини келтирувчи хибоб эса халқнинг кўнгил қири мириқиб дам оладиган масканига айланди.

Юртбошимиз мажмуа билан танишиб жараёнида хоразмлик бир гуруҳ ёшуллар билан сўхбатлашди. Улар бугунги кунда нафақат хонадонларимизда тўй-ҳашамлар ўтатгани, балки шундай катта тантаналар уюштириётгани, аввало давлатимиз раҳбарининг одил ва тўғри сийбат юритаётганлиги натижаси эканлигини эътироф этдилар. Чиндан ҳам ён-атрофимиздаги нотинчлик халқимизни тинч ҳаётдан, яратувчанлик кайфиятидан айро этолмаслигини Урганчдаги тантаналар яна бир бор исботлади. Шодиёнага тўпланганлар юзидида хуррамлик, чехраларидаги ёруғ кунлар бардавомлигига ишонч, элимиз ўзининг бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда яхши ҳордик чиқаришга ҳам вақт топаётганини буни яна бир қарра тасдиқламоқда.

Зеро, ўтмишини қадрлаган халқнинг келажаги буюк бўлади. «Авесто» байрами, унда қатнашган ватандошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчи-хоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари билдирган қалб сўзлари, эътирофлари ҳам шундан далолат бериб турибди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар



ТОШКЕНТ МЕТРОСИ: БУГУН, КЕЧА, ЭРТАГА

Такрорланмас бекатлар

Метро шаҳар жамоат транспорти ичиде энг қулай ҳисобланади. Йирик шаҳарларда йўловчиларнинг узогини қкин қиладиган барча транспорт тури ҳам метро поездларидек қатъий тартиб билан қатнаши қийин. У иссиқда ҳам, совуқда ҳам, қору ёмғирли кунларда ҳам беминнат хизмат қилади. Энг муҳими, йўлда ҳеч қачон тизиллик юзга келмайди. Шу нукта назардан қараганда Тошкент метросининг учинчи линияси — Юнусобод йўналишининг ишга туширилиши Мустақиллигимизнинг 10 йиллигида ҳамшаҳарларимизга катта совға бўлди. Мазкур йўналишининг 7,61 километр масофасида қўзилган ҳудудда кенг қўламдаги қурилиш ишлари бажарилиб, 6 та бекат фойдаланишга топширилди. Улар «Мингўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор», «Хабиб Абдуллаев» бекатларидир. Бу бекатлар ўзига хослиги ва безалиши билан бирлиги такрорламайди.

«Минор»да янги йўналишнинг муҳандислик корпуси жойлашган. Бу ерда компьютерлар ёрдамида поездларнинг ҳаракати, электр таъминоти, шабадалаштириш ишлари бошқарилади. Ушбу йўналишнинг яна бир қулай жиҳати шундаки, бекатлар метронинг ҳар уч йўлини бир-бирига бевосита туташтиради. «Мингўрик» бекати метрополитеннинг иккинчи йўналиши — «Ўзбекистон» йўлининг «Ойбек» бекатига ўтиши таъминласа, «Юнус Ражабий» бекатидаги 140 метри ўтиш йўли тур «Чилонзор» йўлининг «Амир Темур» бекати платформасига олиб чиқади.

Мутахассисларнинг шохидлик беришлари-ча, ушбу йўналиш бир сутка давомида 80-100 минг йўловчини қабул қила олиши мумкин. Қайд этилган рақамларнинг ўзиёқ Юнусобод йўналишининг келажаги порлоқ эканлигини кўрсатиб турибди.



СУРАТЛАРДА: метронинг Юнусобод йўналишидан лавҳалар тасвирланган. Тоҳир Нияматуллин олган суратлар.

ҚИСҚА

□ **ЎТГАН** кун И.В. Академияси ИИВ, Прокуратура ва Адлия вазирлиги ходимлари иштирокида ўтказилган конференцияда ҳуқуқ соҳасида янги ислохотларни амалга ошириш, хусусан суд тизимини янада эркинлаштириш масалалари муҳокама этилди.

□ **ШАҲРИМИЗДАГИ** олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида таълим тизимига масофавий ўқитиш тизими жорий этилган бўлди. Унда талабалар ва ўқувчилар электрон дарсликлардан фойдаланишади.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Оналар ва болалар йилида хайрли ишга қўл урди. Яъни пойтахтимизда ёрқин юрттаётган наشريётлар Германиядан келтирилган китобни сифатли чоп эта оладиган замонавий дастхоналарга эга бўлишди. Шу кунгача ўқувчилар учун 243 номда сифатли дарсликлар чоп этилган бўлса, шундан 80 номдаги китобни Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат наشريёти, 57 номдаги китобни эса Ибн Сино номидаги наشريёт босмадан чиқарди.

□ **ЎТГАН** кун Тошкент шаҳар «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан муҳофафа қўлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида шаҳримиздаги ҳарбий хизматга қаҳирланган йигитларнинг оқсоқоллар билан учрашуви бўлиб ўтди.

□ **ЎТГАН** кун Алишер Навоий номидаги Тошкент нафис санъат лицейида ўқувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Сиз ёнган хавфсизлиги қондаларини биласизми?» деб номланди.

□ **ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ** меҳмонхонасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эл элчионаларини вакиллари томонидан тайёрланган миллий таомлар фестивали ўтказилиб, унда 20 дан ортиқ мамлакатларнинг таомлари йиғилганлар ҳужмига ҳавола этилди. Фестивалда номойиш этилган ўзбек миллий таомлари эса фестивал қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг наشري бўлиши «Авто ҳамроҳ» журнали ташкил этилганига 4 йил бўлди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 2-автокорхона очик акционерлик жамияти четдан сотиб олинган эҳтиёт қисмларининг 20 фоизини ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бундан ташқари автокорхонада шахсий машиналарга уч миллион сўмлик хизмат кўрсатилгани боис акциядорларга дивидентлар ўз вақтида тўланмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида ташкил этилган Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссиянинг бўлиб ўтган йиғилишида бугунги кунда олиб борилаётган ишлар ҳусусида сўз юритилди.

● Илгари хабар қилингандек, иккинчи қаҳирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 6 декабрда ўз ишини бошлайди. **Кеча** сессияга тайёргарлик қўриш ва унинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида тузилган депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси билан АҚШнинг «CitiHope International» халқаро инсонларварлик ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган битим имзоланди. Бу ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизга 3 миллион долларлик турли дори-дармон, тиббий жиҳозлар хайрия сифатида етказиб берилади.

● Республика Миллий ахборот марказида «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамиятининг асоси: уларнинг Ўзбекистон кишлоқларида ислохотларни ривожлантиришдаги аҳамияти; ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатлари; ислохотлар жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш тизимини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди.

● Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти «Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» китобини босмадан чиқарди.

● Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ тумани пахтакорлари давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарди. Қабул пунктларига 34 минг тоннадан зиёд пахта топширилди.

● Навбахор туманида пахта тайёрлаш шартнома режаси бажарилди. Туман заршунослари давлатга 28 минг тоннадан кўпроқ оқ олтин етказиб бердилар.

● Қувасойдаги Ўзбекистон — Америка «Деларос» қўшма корхонасида янги ишлаб чиқариш тармоғи фойдаланишга топширилди.

● Жиззах туманида галла селекцияси ва уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази иш бошлади. У «Паланг-В» агрофирмаси ҳамда «Сардор-СДП» фермер ҳўжалиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Навоийда Марказий Осиёда ягона ўт ўчириш автотомашиналари ишлаб чиқарила бошланди.

● Зарафшон шаҳрида «Ёшлар — Ватан таянчи» шиори остида ёшлар форуми бўлиб ўтди.

● Ангренда бўлиб ўтган шаҳар фаолларининг кўп кишилиқ йиғилиши «Терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, оғоҳликка даъват» мавзусига бағишланди.

● Тошкент туманида «Олимпиада умидлари» спорт мусобақаларининг туман босқичи низоҳисига етди.



Жаҳонда

● ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, **Кеча** Россия Президенти Владимир Путин Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Ваджаи билан ўтказган мулоқотида ҳар икки мамлакатнинг терроризм борасидаги қарашлари муштарак эканлигини таъкидлаган. Кремль раҳбарининг фикрича, Ҳиндистон Россиянинг стратегик ҳамкори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

● **Бугун** Душанбега икки кунлик ташриф билан Туркия Президенти А. Сезер келади. У Тожикистон Президенти И. Раҳмонов билан худудий хавфсизлик, терроризмга қарши кураш ва икки томонлама муносабатлар масаласида сўхбатлашади.

● **Кеча** Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро халқаро террорчилар раҳнамоси Усама бин Лодиннинг қўлга олиниши ёки унинг ўлими «Ал-Қоидда» ташкилотига қарши олиб борилаётган ҳарбий амалиётларни тўхтата олмаслигини таъкидлади.

● Би-би-си хабарларига қараганда, яқин кунлар ичиде Шимолий Иттифок Қобул ва бутун мамлакатни террорчилардан озод этиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлайди. **Кеча** альянс кучлари назоратига Мозори Шариф яқинидаги Зари-Бозор тумани ўтганлиги ҳусусида хабарлар тарқалди.

● Россиянинг «Янгиликлар» агентлигининг хабар беришича, **Бугун** Грузия парламенти раиси номи маълум бўлиши мумкин. Ҳозирда мамлакат парламентининг ташқи алоқалар қўмитаси раиси Нино Буржанадзе ана шундай юксак лавозимга сайланиши эҳтимоли борлиги айтилмоқда.

● Туркияда дунёдаги энг йирик қийматли — 20 миллион лирлик қоғоз пули муомалага чиқарилди.

● **Кеча** Нью-Йоркда шаҳар мэрига ўқун иккинчи босқич сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки натижалар **бугун** аён бўлади. Муаммики, ушбу лавозим учун демократ Марк Грин ва республикачи Майкл Блумберг курашмоқда.

● Куддусда қурулган шахс фаластинлик йўловчилар бўлган автобусни ўққа тутган. Натижада бир киши ҳалок бўлган, 35 га яқин йўловчи жароҳатланган.

● Москвадаги 19 қаватли уйда ёнган содир бўлиши туфайли уч киши ҳалок бўлди. Ёнган бинонинг 15 қаватида юз беган ва уни икки соатдан сўнг ўчиришга муваффақ бўлинган.

● **Кеча** Мадрид марказида кучли портлаш рўй берди. Натижада юздан ортиқ киши жабранди.

● **Бугун** Бельгиянинг «Сабен» авиакомпанияси ўзининг банкротга учраганлигини эълон қилиши мумкин.

● Спорт оламида хушхабар тарқалди. Қаратэ бўйича ўтган ҳафта сўнгиде Малайзияда бўлиб ўтган V Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз улкан муваффақиятларга эришди. Қирқдан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этган ушбу мусобақада ҳамюртимиз София Каспўлатова 60 килограмм вазнлилар ўртасида олтин (мулқат вазн тоифасида эса қумуш) медаль соҳиби бўлган бўлса, Азаматали Қаландаров, Владимир Корш ва Дониёр Ҳолматовлар чемпионатнинг бронза медалларини қўлга киритишди.

Ҳамманинг улуши бор

Пойтахтимизда уюшқоқлик билан давом этаётган ободонлаштириш, кўчаларни янгилаш ва кузги кўчат экиш ойларида барча қатори Ҳамза тумани меҳнаткашлари ҳам фаол иштирок этишиб, ўз ҳуудларини тозалашга, орас-талликка алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Тошкент шаҳар ҳокими-мунICIPалитет бу борадаги қароридан сўнг ўз иш режаларимизни пухта тайёрлаган ҳолда уни амалга оширишга киришдик, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Илхом Тиллабоев. — Бу борада бошқармаимизнинг 230 нафар ишчи-ҳодимлари билан биргаликда кўпчилик фуқароларимиз ҳам фаол иштирок этиб, амалга оширилиши лозим бўлган кундалик юмушларни ўз вақтида удалашмоқда. Ўтган кунлар мобайнида Ҳабиб Абдуллаев кўчасидаги ариқ-

ри ушбу кўчалардаги ҳазон ва чиқиндиларни олиб кетишда фаол иштирок этмоқда. Айниқса, кўчалардаги транспорт воситалари қатновига халақит берадиган ҳамда қуриб қолган дарактларни кесиб ишлари яхши ташкил этилган.

Шуниси эътиборлики, туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан ҳазонларни ёқмаслик ҳақида чиқарилган буйруқ ҳамда жойда ўз ифодасини топмоқда ва тўпланган ҳазонлар шу заҳотиёқ машиналарга оқланиб компост қилиш учун жўнатишмоқда. Бу борада ободонлаштириш бошқармаси ходимлари туманда жойлашган корхона ва ташкилотлар автотранспорт воситалари билан ёрдам беришмоқда.

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Ойлик давомида туман ҳудудига 2000 туп терак, 250 туп манзарали ва 200 туп мевали драхтлар ва 1000 туп бута қўчатлари ўтказиш режаланган. Айни кунларда ахратилган худудларга қўчатлар ўтказиш ишлари давом этмоқда, баҳорги қўчатлар эса парваришланмоқда.

Ободонлаштириш ойларида ҳар доимгидек маҳаллалар аҳли, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари ҳам жалб этилмоқда. Чунки ўзи яшаётган худудни обод этиш, унинг қўрқамлигига эътибор бериш ҳар бир кишининг вазифаси саналади. Бунини тўғри тушунган туман аҳли ойликка баҳоли қудрат ўз хонадонини, кўчасини, маҳалласини саранжом-сарошта қилиб, кузги қўчат экиб муносиб ҳисса қўшмоқда.

Дилноза ҒИЁСОВА

ФУТБОЛ

КЕЧА

Ўтказилган мамлакат Х-миллий чемпионатининг 33-тур учрашувларида пойтахт шаҳрафини ҳимоя қўлаётган икки жамоа «Пахтакор» ва «Академия» иштирок этмади. Аммо сафарда «Қизилқум» жамоасига меҳмон бўлган

Сермаҳсул натижалар

«Трактор» 0:3 ҳисобида мағлубиятга учраб муҳим оқолардан маҳрум бўлди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Семур» — «Қимёгар» 1:5, «Навбахор» — «Дўстлик» 4:3,

«Сурхон» — «Турон» 4:1, «Насаф» — «Зарафшон» 3:0, «Нефчи» — «Сўғдиёна» 5:1, «Анджон» — «Самарқанд-Динамо» 4:3.

Навбатдаги 34-тур ўйинлари 13 ноябрда бўлиб ўта-

ди. 9 ноябрда 18-турнинг қолдирилган «Қизилқум» — «Пахтакор» учрашуви ўтказилди. Айнан шу кун «Бухоро» жамоаси «Академия» билан куч синашди.

Акбар ЙҲЛОШЕВ

ТАДБИРКОР

Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатасининг саҳифаси

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тadbиркорликни кўллаб-қувватлаш замон талабига айланди. Мамлакатимиз иктисодиёти ривожланишининг устивор йўналишларидан бири саналган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тadbиркорликнинг ривож топишида пойтахтимиздаги «Бизнес-фонднинг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси ҳам ўз улушларини қўйиш ниятида сазй-ҳаракат қилишмоқда. Бошқарма бошлиғи Нодир МИРЗАЕВ билан суҳбатимиз бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Бугунги кунда зиммамиздаги мақсад ва вазифаларимизни тўлиқ англаган ҳолда фаолият кўрсатмоқдамиз, — дея ўз сўзини бошлади у киши. — Бошқармамиз ҳодимларининг ўз олдига қўйган асосий мақсадлари мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ҳамда тadbиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўлиш, пойтахтимиздаги тadbиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мулкдорлар сафини кенгайтиришга, уларнинг юртимиз иктисодиёти раванкига қўшаётган ҳиссаларини қўлайтиришга эришишдан иборатдир. Шу билан бир

— Сиздан кредит олиб, натижада муваффақиятли фаолият юритаётган тadbиркорлик субъектларини айта оласизми?

— «Дента-сервис», «Стома-сервис» корхоналари, «Фаровон» хусусий фирмаси, шунингдек импорт ўрнини босадиган ва экспорт рақобатбардosh консерва маҳсулотлари ишлаб чиқараётган «Атлантик Восток», «Интер-Осиё» хусусий фирмалари ана шундай кичик корхоналар қаторига кирди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрда қабул қилган «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари»нинг маблаг билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга бошқарма ишбилармон бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги қарори асосида қандай ишлар амалга оширилади?

— Қўпгина кичик ва хусусий корхоналар бошланғич сармоя йўқлиги сабабли рўйхатдан ўтиб, 5-6 ой фаолият кўрсатар-кўрсатмас ёпишмоқда. Ана шунинг назарда тутиб ушбу қарорда «Бизнес-фонд» зиммамизга тadbиркорлар учун бошланғич сармоя ажратиш юклатилди. Микрофирма ва деҳқон ҳўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 150 баробари миқдорида, кичик корхона ва фермер ҳўжаликлари учун 300 баробари миқдорида сармоя 3 йилга муддат билан ажратилди. Уларга ушбу маблағларни лойиҳани техник-иктисодий асослашга, айланима маблаг сифатида, минни технологиялар сотиб олиш учун тижорат банклари орқали ажратилди. Шунинг билан тўтиш лозими, бундай бошланғич сармояни олиш учун тadbиркорлар рўйхатдан ўтган 6 ой мобайлида банк маурожаат қилган бўлиши керак. Шунингдек, юқоридаги қарор асосида «Бизнес-фонд»га ҳам имтиёзлар берилди. 2002 йил 1 январдан бошлаб унинг даромадларига солиқ ставкаси амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорида белгиланди ва бўшаб қолган маблағлар кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Яна «Бизнес-фонд»га берилган қўлай имконият шундан иборат бўладики, у ҳўжалик сўдига маурожаат қилганда давлат божни тўлашдан озод қилинди.

— Бугун сизнинг олдингизда турган асосий муаммо?

— Энг асосий муаммоларимиздан бири сохта тadbиркорларнинг ишимизга салбий таъсир этаяётганидир. Улар томонидан ўзлаштирилган қатта маблағлар қайтарилмаётгани ачинарли ҳолдир. Шаҳримиздаги «Чингизхон» масъулияти чекланган жамияти, «Припять» хусусий фирмаси ана шундай олан маблағларни вақтида қайтариш пайсалга солаётганлар қаторига кирди. Агар бу маблағлар ўз вақтида қайтарилса, яна қўллаб тadbиркор ва мулкдорлар синфи шаклланиши турган гап. Шу билан ҳам шу маблағларни ундириши йўлида астойдил сазй-ҳаракат қилаёмиш.

— Жорий йилнинг ўтган ойлари кўрсаткичлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Жорий йилнинг 9 ойига Тошкент шаҳар иктисодиёти ривожлантириш, пойтахтимиздаги тadbиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 80 миллион сўм ажратилган эди. Бошқармамиз томонидан 9 ой натижасига кўра бу кўрсаткич 167 миллион сўмни ташкил этди. Шу билан бирга қўллаб-қўйиш иш ўринлари яратилди. Шунингдек, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишдаги гапларидан тўғрисида хулоса чиқариб тadbиркорларнинг вақтини тежаш учун тайёр кичик технологиялар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналарни ўз лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида уларга лизингга беришни ташкил этаямиш. Президентимиз ана шу йиғилишда «Биз барча юртошларимизни тadbиркорлик, ишбилармонлик, кичик ва ўрта бизнес соҳасига жалб қилар эканмиз, уларнинг хусусий тadbиркорлик фаолиятини ташкил этишида зарур шарт-шароитни яратиб бера эканмиз, шу билан жамиятимизни сиёсий, иктисодий ва керак бўлса, маънавий жиҳатдан янгилашнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган асосий сиёсий — ўрта синф, мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини ҳал этган бўламиз» деб алоҳида айтиб ўтдилар. Бошқармамиз ҳам бу борада ўз кўн-ғайратларини аямаядилар. Зеро жамиятда тadbиркорлик руҳини қарор топтириш тараққиётимиз гаровидир.

Шарифа ИЛЁСОВА суҳбатлашди.

Сўранг, жавоб берамиз

«Бир идора орқали»

«Мен тadbиркорлик билан шуғулланиш ниятидаман. Шу боис яқинда жорий йилнинг 1 октябридан тadbиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган шахсларга давлат рўйхатидан ўтишда яратилган қўлайлик ҳақида эшитиб қолдим. Ана шу қўлайлик ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Сайдулла Сунатов, бўлгуси тadbиркор».

2001 йилнинг 1 октябридан бошлаб тadbиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган барча шахслар ўз ишларини рўйхатдан ўтказиш учун туман ва шаҳар ҳўкимликларига «бир идора орқали» шаклида махсус ташкил қилинган бўлимларга маурожаат қилиб, қуйидаги ҳўжатларни топширишлари керак бўлади:

1. Яқка тартибдаги тadbиркорлар 4 та ҳўжат топширадilar ва булар қуйидагилардан иборат:

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;

3x4 ўлчамли иккита фотосурат;

рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳўжати;

муҳр ва штамп эскизалари (уч нусхада);

2. Юридик шахслар 6 та ҳўжат топширадilar, булар жумласига:

ариза;

корхона таъсис ҳўжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;

тadbиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳўжат;

рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳўжати;

фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

муҳр ва штамп эскизалари (3 нусхада);

3. Фермер ҳўжаликлари

учун эса 8 та ҳўжат керак бўлади:

ариза;

қишлоқ ҳўжалиги кооперативи умумий йиғилиши ёки юқори бошқарув органининг ҳўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

Низомнинг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;

тadbиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳўжат;

рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳўжати;

фирма номи тўғрисида гувоҳнома;

танлов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги баённомаси, бизнес-режа нусхалари;

уч нусхада муҳр ва штамп эскизалари.

Рўйхатдан ўтказиш идоралари солиқ инспекцияси, статистика органлари ва ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлимларида ҳисобга қўйиш ва рухсат олиш ишларининг ҳаммасини амалга оширадilar. Ариза берилган кундан эътиборан яққил тартибдаги тadbиркорлар 8 кунда, юридик шахс ва фермерлар 12 кунда тўлиқ таъсис ҳўжатларини оладилар. Рўйхатдан ўтказиш идораларига топшириладиган таъсис ҳўжатларини туман ва шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палаталари ёки консалтинг фирмалари тайёрлаб беради.

Тadbиркор фикр билдиради...

• Йўлдош РАХИМОВ:

— Тadbиркорлар, айниқса ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган кичик корхоналар ижарага ишлаб чиқариш майдонлари олишида содир бўлаётган бир муаммо қўпчилигини қийнайди. Бу муаммо шундан иборатки, ижара бериш шартномани 1 йилга тузади. Шартнома туман ҳўкимияти департаменти томонидан ҳар йили қайта рўйхатга олинади. Бунинг сабаби: ижара шартлари айниқса нарх баҳоси қайта қўйилиши кераклигидир.

Менимча тadbиркорлар учун ижара муддати 5-6 йилга тузилиб, фақат нархи ҳар йили қўйилса, қўлай бўларди. Ана шунда тadbиркор ижарага олинган бино учун (уни таъмирлаш, ободонлаштириш, янги дастгоҳлар олиш) узок муддатли режа асосида маблаг ажратса бўларди.

... миннатдор бўлади

• Хуршид САДРИДИНОВ:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ўрта ва кичик бизнес субъектлари, хусусий тadbиркорлар учун яратилган қўлайликнинг яна бир қўрғинишдир. Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда «бир идора орқали» шаклида амалга оширилиши айни муддао бўлди. Шуниси эътиборлики, эндиликда шу қарор асосида рўйхатдан ўтаётган тadbиркорнинг вақти тежалди, уёк-бўёкка беҳуда югурмайди. Бу албатта, бошловчи тadbиркор учун жуда қўлай бўлиб, қимматли вақтини зарур ишлари учун сарфлаш имконияти туғилди. Тadbиркор учун яратилаётган бундай шарт-шароитлар, шўбхасиз уларнинг сафи кенгайишига, қўшимча ишчи ўринлари вужудга келишига, иктисодийимиз, рўйхатига муносиб ҳисса қўшадиган кичик ва ўрта корхоналарнинг қўпайишига муҳим ҳисса бўлади.

Ҳам даволайди, ҳам ишлаб чиқаради

Бугун ҳар бир соҳада тadbиркорлик билан иш юритиш ўз самарасини бермоқда. Хусусан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фаолият кўрсатаётган тadbиркорлар санига кенгайиб, хизматлар сифати талаблар даражасида бўлмоқда.



Ана шундай саломатлик масканларидан бири Мировод туманида фаолият кўрсатаётган «Мадакор» тиббий соғломлаштириш илмий-ишлаб чиқариш марказидир. Ушбу масъулияти чекланган жамият 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, ўз олдига тиббиёт соҳасидаги янги ютуқларни ҳақда татбиқ этишни асосий мақсад қилиб қўйган. Ушбу марказда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш, уларни таъ-

билан ҳаммиса мустаҳкам алоҳида иш юрймоқдамиз. Албатта, бу ишларимиз ўз самарасини бериб, юртимизга янги тиббиёт асбоб-ускуналарини олиб келиб халқимиз саломатлиги учун фойдаланишда қўл келмоқда.

Бугунги кунга келиб марказнинг замонавий таъмирланган турт қаватли биноси маъжуд. Бу ерда 20 ўринли жароҳат, 4 ўринли қонлангитириш, 10 ўринли терапевтик бўлимлари беморлар хизматида. Шунингдек, соҳа тиббиёт мутахассислари ҳар кун фаолият кўрсатадиган хоналар замонавий ахшомлар билан жиҳозланган. 78 нафар ҳодим меҳнат қилувчи ушбу марказ кунига 300 та беморни қабул қилиб, уларга керакли хизмат

кўрсата олади. Бу ерда энг малакали шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилишади.

Шуниси қувонарлики, марказ нафақат хизмат кўрсатмай, балки ишлаб чиқариш соҳасида ҳам муваффақиятларга эришмоқда. Бу ерда бир неча хил тиббий жиҳозлар, тиббиётда қўлланаладиган мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Словакиянинг «P. S. Corporation» фирмаси билан ҳамкорликда «Хирадент» типдаги стоматология ускунаси тайёрланди. Шунингдек, марказ мутахассислари тadbиркорлик билан иш юритиб келгусида тиш даволаш, гинекология, клиник ва биокимевий лаборатория хоналари учун барча керакли мебель жиҳозларини ишлаб чиқаришни



Шарофат БАХРОМОВА СУРАТЛАРДА: муолажа хонасида; жамиятда тайёрланаётган тиббиёт жиҳозлари.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Шаҳримиздаги «VISO» очик турдаги акциядорлик жамияти қўшма корхонаси махсус лотларига бўлган талаб тобора ортмоқда.

СУРАТДА: корхона пойабзал цехидаги иш жараёни тасвирланган.

МУЛОҲАЗА

Барчамизнинг ҳиссамиз бўлсин

Республикамиз Президентининг яқинда иккинчи чақирғи халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида жонажон пойтахтимизда барча соҳаларда эришилган ютуқлар билан бирга бартараф этилиши лозим бўлган камчилик ва муаммолар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Юртбошимизнинг гапларини эшитар эканман, уларнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган иборалари ёдимга тушди ва ўзгал пойтахтимизни яшнатишда, уни обод қилишда, камчилик ва муаммоларни ечишда биз оддий фуқароларнинг ҳам муносиб ҳиссамиз бўлиши лозимлигини ўйладим. Ахир тоқайгача ўзимиз яшаётган уйимиздаги қўлимиздан келадиган, ҳам-жиҳатликда бажарса бўлидиган ишларни ҳам эпшолмай юқори ташкилотларга югуртишимиз лозим. Уларнинг қўпчилигини хонадон эгалари биргаликда ҳам ҳал этса бўлади-ку.

Ўзимиз яшаётган Собир Раҳимов туманидаги «Марказ-22» мавзесининг 13, 36, 103-кўп қаватли уйлари оладиган бўлсак, 1982 йилдан буюн шу ерда истикомат қиламиз. Янги кўчиб кела-

нимизда ушбу уйларда талайгина муаммолар маъжуд эди. Энг аввало биз бир неча та уй фаоллари маслаҳатлашиб, биринчи ишни улар атрофларини ободонлаштиришдан бошладик. Энг кизиги, қурувчилар ушбу уйларда лойиҳада кўрсатилган телефонлаштириш билан боғлиқ ишларни буткул нуғутиб қўйишган эди. Шунда фаоллар бир ёқдан бош чиқариб ана шу ишни амалга оширишга киришдилар. Туман ва шаҳар мутасаддилари қўмағида уйларимизда телефон қўнғирогги жиринглай бошлади. Бу барчани мамнун этди. Яна бир муаммо уйларимизга электр шиктаси ўрнатилган бўлиб, маълум вақт ўтгач улар ишдан чиқа бошлади. Аввало кўп югуриш ва сазй-ҳаракатлардан кейин уйимиз газлаштирилди.

Ҳозирги вақтда эса ертўлаларимиз саранжом-сарниш, иссиқ ва совуқ сув қувурлари тўла алмаштирилган, хонадонларни иссиқ ва совуқ сув билан таъминлашда муаммоларимиз йўқ. Албатта, бу ишда мутасадди раҳбарлар ҳам қатта ёрдам берди, энг муҳими эса фаолларимиз жонқуяриш, ўзлари яшаётган ҳудуд ҳақида қайғуришлари муҳим роль ўйнади.

Бугунга келиб уйларимиз ҳовлиси чиройли асфальтланган, чироқлар ўрнатил-

ган, фаввора ишлаб турибди, болажонларимиз учун спорт майдончаси, қарияларимиз дам олишлари учун бежирим ўриндиқлар ўрнатилган. Бу жойда жуда қўллаб йиғинларимиз, тўй-ҳашамларимиз файзли ўтмоқда. Уйларимиз атрофининг бундай чирой очилишида жонқуяриш фаолларимиз — элим, юртим деб ёниб яшаётган инсонларнинг меҳнати ва ҳиссалари бекиб бўлди. Мана шундай ободончиликка эришишда А. Пулатов, А. Амннов, З. Азиев, Ш. Мансуров, Л. Мирзасев, М. Валихонова, К. Босикулова, Р. Нигматулова сингари хонадон соҳибларининг фаолликларини алоҳида таъкидлаш керак.

Бундан хулоса чиқариб шуни айтмоқчиманки, халқимиз бежизга «Ҳаракатда баракат» деб айтмаган. Қўпчилик биргаликда ҳаракат қилса барча ишни эпласа бўлар экан. Бунинг мен ўз тажрибамда синаб кўрдим. Шунинг учун ҳам барча ҳамшаҳарларимизни ўзлари яшаётган уйларига эътиборлироқ бўлишга, учраган муаммоларни ҳамжиҳатликда бартараф этишга ундайман. Ана шунда шаҳримиз янада кўркам ва обод бўлади.

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ, 13-уй, 6-хонадон соҳиби, маҳалла фаоли.

ЯРМАРКА

Бўш иш ўринлари

Меҳнат ярмаркаси — бу иборани эшитган ишсиз фуқаролар «Хайрият, ўзимга муносиб иш топадиган бўлиб» дея хурсанд бўлишади. Дарҳақиқат шундай, меҳнат ярмаркаларида нафақат тумандаги, балки шаҳар бўйича бўш иш ўринлари ҳавола этилади. Шунингдек, турли касблар бўйича ўқитиш курсларида йўлланма ва керакли маслаҳатлар берилади.

Ана шундай меҳнат ярмаркаси Бектемир тумани меҳнат бўлими томонидан ташкил этилди. Ўша кунни туман маданият уйи майдонида куй-қўшиқлар янграб, тумандаги 38 та корхона ва ташкилотлардан вакиллар келиб ўзларининг бўш иш ўринларини ҳамшаҳарларга ҳавола этди. Шунингдек, ярмаркага жазо муддатини ўтаб келганлар алоҳида чақирилиб, улар ҳам ўзларига ёққан касби бўйича ишга йўлланмалар олишди.

— Аввало давлатимизга минг раҳмат, бизни кечириб авф этди, — деди жазо муддатини ўтаб келган фуқаро Маннон Давронов. — Уйга келганимиздан кейин маҳалла томонидан ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга бугун

ярмаркага қақариб, ишга жойлашимни учун қўлайликлар яратиб беришяпти. Мана Бектемир тумани ободонлаштириш бошқармасида ишга жойлашим учун йўлланма олдим. Иши ҳам, иш ҳақи ҳам мени қониқтирди. Энди бундан бу ёнига юртимизнинг фаровонлиги учун чин қўнғилдан меҳнат қиламан.

— Корхонамиз асосан насослар, электр машиналарини ишлаб чиқаради ва таъмирлайди. Иктисодий аҳоли ҳам яхши. Лекин бугунги кунда ёш ва малакали мутахассисларга эҳтиёж бор, — деди «Сувмаш» корхонасининг бosh директор ёрдамчиси Беход Солиқов. — Илчиларга яратилган шароитлар ёмон эмас, иш ҳақи эса 30-35 минг

сўмни ташкил этади. Айни кунларда чилангар-таъмирловчи, чилангар-асбобсоз, токарлик бўйича бўш иш ўринлари маъжуд. Ҳозиргача бир неча чилангарларга ишга келишлари учун йўлланмалар бердик. Бундай ярмаркалар тез-тез ўтказилиб турилса биз ҳам, халқимиз ҳам хурсанд бўлишарди.

— Ярмаркада 578 нафар ишсиз фуқаролар қатнашди. Бунинг биз кутмаган эдик. Ундан ташқари Тошкент шаҳар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, туман ҳўкимияти, шаҳар ўқув маркази ва туманда жойлашган маҳалла, мактаб ҳамда бошқа ўқув муассасалардан вакиллар иштирок этишди, — деди туман меҳнат бўлими раҳбари Мансур Толипов. — Бўлимимизда бу ишлар фақат бир кун бўлмайди, у узуксиз давом этади. Ҳар кунни 7-8 тагача фуқаро иш сўраб бизга маурожаат этишлар. Ўш уларга имкони бориҳа ҳар томонлама қўмак бериб, керакли маслаҳатлар берамиз. Марҳамат, ишсиз фуқароларга ҳаммиса бизнинг эшигимиз очик.

Очил ҲАЗРАТОВ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Маоши ундириб берилди

Туманлардаги меҳнат бўлимлари фақатгина ишсиз фуқароларни ишга жойлаш билан шуғулланмай, балки уларнинг ҳақ-ҳўқуқларини ҳимоя этишда ҳам камарбасталик қилишмоқда.

Яқинда Бектемир тумани меҳнат бўлимига 9-автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишлаб келаётган Рустам Ҳолматовга автокорхона маъмурияти ойлик маошини турли сабабларни рўқча қилиб бермай келганлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушди. Шундан сўнг меҳнат бўлими маъмурияти ва ҳодимлари тезда бу иш билан шуғулланишиб зарурий чора-тadbирлар қўйишди.

— Бу борада ўтказилган текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, ҳақиқатан мазкур

корхона акционерлик жамияти бўлиб, асосан ҳақ таъиниш ишлари билан шуғулланар экан, — деди туман меҳнат бўлими раҳбари Мансур Толипов. — Рустам Ҳолматовнинг шикоят аризаси ўринли бўлиб, унинг ойлик иш ҳақини олганлиги аниқланди. Бу билан корхона маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154 ва 161-модда талабларини қўпол равишда бузган деб топилиб, корхона раҳбари вазифасини бажарувчи Т.Исоқовга нисбатан

17150 сўм миқдорида жарима солинди. Шунингдек ариза муаллифи, фуқаро Рустам Ҳолматовга барча ойлик иш ҳақи, яъни 74973 сўм 56-сонли тўлов қайдномасига асосан тўлиқ ундириб берилди.

— Мен Бектемир туман ҳўкимияти ва туман меҳнат бўлими ҳодимларининг сазй-ҳаракатлари билан бир неча ойлاردан буюн ололмай келатган ойлик иш ҳақимни тўлиқ ўз қўлимга олдим, — деди ариза муаллифи Рустам Ҳолматов. — Қўнғил шод бўлди. Ишдан бироз совиган эдим. Чунки бундай вазиятда ҳар қандай одам ҳам иккиланиб қолар экан. Менга ёрдам берган инсонларга миннатдорчилигимни билдираман.

Омон ҲАМИДОВ



Эл ардоқлаган санъаткор

Ўзбекистон Миллий академик драма театри ҳаммага жуда яхши маълум. Бу даргоҳда ўз умрини сахнага бағишлаган кўплаб санъат фидойилари ижод қилишган. Ана шундай санъаткорлардан бири Ўзбекистон халқ артисти Сора Эшонтўраевадир. Бу йил улар ҳаёт бўлганларида тўқсон ёшга кирган бўлар эдилар.

Сора Эшонтўраева ўз ижодини 1929 йилда ушбу театр сахнасида бошлаган. Актрисани элга танитган образларидан: «Бой ила хизматчи»да Жамила, «Алишер На-

войи»да Гули, «Шошма куёш»да Санобар, «Ғариблар» спектаклида она, «Хамлет»да Офелия, «Отелло»да Дездемона, «Маликаи Турандот»да Адельма ва бошқа шу каби юзлаб

образлардир. Бу образлари у шундай маҳорат билан ижро этганки, улар ҳамон томошабинлар қалбига.

Сора Эшонтўраева ўз ҳаётининг сеvimли актрисаси. Актриса нафақат театр арбоби, балки жамоат ишларида ҳам фаол қатнашган. Ўзбек театрини ривожлантириш ишларида ҳам ўзининг баракали ҳиссасини қўшган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви фондида кўплаб тарихий ҳужжатлар қаторида актрисанинг ҳаёти ва ижоди тааллуқли бўлган фотосуратлар, киноҳужжатлар ҳамда овозли ёзувлар сақланмоқда. Буларга турли йиллардаги портретлари, яратган образларидан лавҳалар, оила аъзолари, ҳамкасблари ва шогирдлари даврасида тушган суратларини ҳам мисол қилишимиз мумкин.

Сора Эшонтўраеванинг халққа, жонажон Ватанига, санъатда қилган кўп йиллик самарали, ҳалол меҳнатлари зое кетмади. Уларнинг ҳаёт йўллари ҳозирги замон ёшлари ва санъаткорлари учун бир мактаб бўлиб хизмат қилади.

Гулчехра ҚОРАБОВЕВА, Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви ходими.



Ўқитувчи, болалар бажарган ёзма ишларнинг баҳоларини эълон қиларкан, сув қўйгандай жим-жит синфда ҳаяжонли шивир-шивир бошланди. Айримлари бир-бирларини яхши баҳо билан табриклашса, айримлари безовталик кечиришди. Ҳамма нарсани энг олдин овоз чиқарадиган Гўзалнинг эса қўш-қўзлари чимирилиб, дами чикмай турди. Кейин бирдан ёнидаги Моҳирга қараб: «Нотўғри!» деб юборди. Моҳира эса қўшнинг ҳаволидаги билгани учун, ўзини босган ҳолда: «Унақа дема!» деб аста туртиб қўйди. «Нотўғри-да!» деб яна сўзини қайтарди Гўзал. Унинг қалтироқ овози ёнидагиларга эшитилган бўлса-да, хайриятки ўқитувчига эшитилмади.

Гўзал билан Моҳира ўртасидаги тортишув танаффусда яна авжига чиқди. Гўзал ўзига қўйилган «икки» баҳонингиз, Моҳирага қўйилган «тўрт» баҳониям нотўғрига чиқармоқда эди. Моҳира босиқлик билан ўқитувчи ёнига олиб, Гўзални оғирликка ундаса, Гўзал:

— Биламан, устоз сени яхши кўрадила, мени ёмон кўрадила. Шунинг учун бир хил ёзилган ишга икки хил баҳо қўйганла! — деб ўзиникини маъқулларди. Моҳира ҳам хил қизиша бошлади-да:

— Иккимизни ёзувимиз бир хилмикан-а? Нимага суняиб шундоқ дейсан? — деб савол берди.

Моҳира гапни нозик жойдан тутганди. Аслида воқеа бундай бўлганди:

Ўқитувчи болаларга: «Меҳнат нима?» мавзусида ёзма иш берганди. Гўзал одатдагидай вазифани бажаришда анча қийналди. Ишни битириб топширишга бир кун қолганда, у Моҳирадан:

— Ишни ёзиб бўлдингми? — деб сўраб қолди.

Моҳира ёзиб бўлганини билдирганди. Гўзал тортиниб ўтирмасдан:

— Ёзганингни бир кўриб берсам, — деб қолди.

Моҳира ҳам бўш келмасдан:

— Унинг ёзиб бўлдингми? — деб сўраганди, Гўзал сир бой берди:

— Ёздим-ку, кўнглим тўлмапти, — деб қўйди.

Бўлмаса сениким мен ўқий, меникини сен ўқийқол! Моҳиранинг бу шартига Гўзал дабдуростдан:

— Хомаки нусхам жуда ажи-бужи ёзилган, бунга ўқий-мийсан, — деб баҳона қилди.

— Ундок бўлса, меникинман ўқий-мийсан! — деди Моҳира қатъий.

Албатта. Моҳиранинг бундай терс жавоб бераётганига жиддий сабаблар бор эди. Моҳира аълочи ўқувчи сифатида қўшнисига ёрдам бериб юриб, бир гал панд ёқ қолганди. Гўзалда ман-манлик феъли бор. Ҳамма нарсани ўзини билганон, деб баланд тутганди. Унинг ониси савдо соҳасида ишлайдиган топармон-тутармон аёл. Тўқисликда Гўзалнинг

Бир неча кундан бери ўғлимнинг кайфияти йўқ. Бугун яна эътибор бердим. Ўйга кириб чиқади-ю қўли бир ишга бормайди. Зерикди шекилли, хонасига кириб олиб, магнитофонни қўйди. Бу ҳам тезда кўнглига урдими, магнитофоннинг овози ўчди. Деразадан билинар-билинмас мўралаб қарадим. Қара-вотда ҳаёл суриб ётибди. Сезаяман кейинги кунларда кайфияти йўқ.

Сабаби менга равшан, ҳаммаси бекорчиликдан. Ишга киролмай юрипти. Вақтида насихатларини кўлогига олмади. «Қаерга ишга борсанг жиддий бўл, ўзининг иш билан кўрсат» дейман. Ёш-да, гапларимга эътибор бермайди... Бир жойда қарор тополмай энди ўз ёнига ўзи қовуриляпти.

Харакатларини зимдан кузатиб, гапнинг рости, фарзанд эмасми, ичим ачиди. Бир баҳона топиб кўнглини кўтармоқчи, калласидаги ҳар хил ҳаёлларни қувмоқчи бўлдим.

Нима тақлиф қилсам! Қаерга олиб борсам экан? У кўнармикан?... Ўйлаб-ўйлаб, бобосиникига бошлаб бормоқчи бўлдим. Олдига кирсам у ҳамон қаравотда, шифтга қараб, ўй суриб ётибди.

— Ха, Насибжон, дам олясанми, ўғлим, — дедим қулиб.

— Ха, дадажон, бирор ишингиз бормиди? — ўрнидан чакқон турди у.

— Дала ҳовлига ўтиб, бобонгдан бир хабар олиб келсак нима дейсан? — Унинг пирпираб турган кўзларига тикилдим. — Бир ойча бўлди чоғи, боролганимиз йўқ. Қолаверса, тоза ҳаво.

— Ха, яхши айтдингиз, ҳозир кийиниб чиқаман! — деди ўғлим ҳам дарҳол рози бўлиб.

... Дадам неварасини елкасидан олиб, бағрига босиб, суйиб қўришди. Чой ичдик, у ёқ-бу ёқдан анча гаплашиб ўтирдик. Мен Насибжоннинг ишлари юришмаётганидан гап очдим. Унинг ўзи эса индамай ер чизиб ўтирарди. Бобоси ҳамма гапни бошини силкиб, чўқур сўзгута ботиб тинглади. Бир дам ҳаёлга ботиб, ўй суриб ўтирди. Кейин неварасининг юзига ялт этиб, маъноли қаради жойидан охишта турди.

— Мен билан юр, болам! Сенига бир нарсани кўрсатаман, — деди ва бироз букчайиб қолган қаддини тиклаб, ростлаб олди.

Ташқари ҳовлига ўтдик. Катта чинор тағидаги супага бордик. Ўтган йили Насибжон иккаламиз бу ерни қалин ва текис цементлаб, ўтиришга жой қилувдик. Дадам супанинг ўртасига бориб, тўхтади, ерга қараб тикилиб қолди. Мен «Бизга нима демоқчи эканлар», деб даданинг оғзига тикилдим. Дадам ердан кўз узмасдилар. Нимага қараб тикилиб қолдилар, деб мен ҳам цементланиб сувланган супага кўз югуртирдим. Ўтган йили ётқизилган асфальтни бир ниҳолча ёриб, бўртиб чиқибди. Юқорига дадил интилиб турибди. Насибжонга қарадим. У ҳам

асфальтни ёриб чиққан ниҳолга қараб, ҳайрон бўлиб қолганди.

— Ёсинга борми, болам? Ҳар хил ўт-ўланлар ўнмасин, деб бу жойни ўзинг цемент билан қаттиқ шувқоқланг эдинг, — деди дадам неварасига.

— Қалин шувқоқландим, — деди таажубланган Насибжон ниҳолдан кўз узолмай. — Буни қандай ёриб чиқди экан-а, тошдай қаттиқ бетончи-я!

— Кўрдингми, болам! Бу ниҳолда яшаш учун интилиш, ҳаракат бор. — Бобоси Насибжоннинг елкасидан олиб, бошини силаб гапирди.

— Яшаш учун курашмоқ, интиломоқ лозим!... Ҳаёт қонуни шундай...

Насибжон гапнинг маъини чакдими, ниҳолга тикилганича бир дам ўйланиб, ўзидан ўзи чўқур нафас олди-ю бошини ушлади. Бобоси унинг елкасидан олиб, олдинга йўл бошлади. Охишта-охишта қадам ташлаб, гапни давом эттирди:

— Кўпни кўрдик, кўп эшитдик. Ҳаёт мактаби бизларга анчагина нарсаларни ўргатди, болам. Тажрибамиздан гапириб, насихат қилсам, баъзида қулоққа олмайсизлар, қўласизлар ҳам. Е шундай эмасми?...

— Кеңирасиз... Сиз айтмоқчи бўлган ҳикмати тушунгандайман, — деди Насибжон уялинкараб.

— Йўқ, болам! Айтмоқчи бўлган гапларимни хали яхши англаганингда йўқ!... Биласанми, — деди дадам.

ми, ўсимлик уруғи ер остида ётса, у жойда нима боғлигини ҳеч ким билмайди. У ердан нима униб чиқиши билан қизиқмайди ҳам... Е гапим ёлгонми? У ҳаракат билан тупроқни ёриб, ер юзига чиқса, ўз қаддини кўрсатиб, ерни безаса, нима эканлигини маълум қилади. Шундан кейингина кишилар уни тан олиб, меҳр билан парваришлагга ҳаракат қиладилар, бераётган ҳосилига қараб эъзозлайдилар, меҳр боғлайдилар... Гапимнинг маъносини тушундингми? Инсон ҳам худди шундай! Яшаш учун интилиши керак, курашмоқ лозим. Бўшашиб юрадиган одамнинг бири асло икки бўлмайди... Тоғларга чиққанмисан ҳеч? У ерда ғалати дарахтлар бор. Катта-катта тошларни тепиб ёриб чиққан. Одамлар шундай ўсимлиги дарахтлардан оқизми, ё!...

— Тушундим, — деди Насибжон бошини мағрур қўтариб.

Мен ўғлимнинг қалбига пайдо бўлган жиддий ўзгаришни сезиб, бошқа гап ортиқчилигини тушундим.

Дала ҳовлидан қайтаётганимизда дадам неварасини суйиб, унинг юзидан ёш боламисол эркалаб ўлди-да:

— Насибжон болам, бу дунё бир экинзор, ғайрат қилгину унга ҳиммат уруғини экиб кет, — деб қолди.

Зайниддин ДЎСТМАТОВ

Олмониянинг Франкфурт-Майн шаҳрида 53-аънавий китоб ярмаркаси бўлиб ўтди. Ушбу халқаро китоб байрамида дунёнинг 110 мамлакатидан 7 минг 65 наشريёт ўз китоб маҳсулотлари билан иштирок этди. Ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу китоб байрамининг ўзига хослиги шундаки, бу галги ярмаркада республикамиз нашриётлари ҳам фаол қатнашдилар.

СУРАТДА: Ўзбекистон нашриётлари томонидан ярмаркага тақдим этилган китоблар павильонида.

НАЗМ

Эркаланди

Кичкинтойим бирам олов,
Баттар қилар бас десанг,
Юғради, Йиқилди,
Алданмас у-бу берсанг.
Бир бақириб берсам кеча,
Бир лаҳза турди хайрон.
Сўнг олдимга секин келиб,
Эркаланди болажон,
Ўпиб қўйиб юзларимдан
Қулиб қўйди шодланиб,
Силаб қўйдим сочларини,
Меҳрим кетди товланиб.

Нега

— Дада, — деди кичкинтой, —
Қўрқасизми кўндан?
— Вей, бу нима деганинг,
Ким қўрқар шу хайвондан?
— Унда-мунда бўлса ҳам,
Кўен овга борасиз.
Нега унда ҳам милпти,
Ҳам итими оласиз?

Айтманг

— Туширвордим тоқчадан,
Ойи, гулли вазани.
— Ах, янами?
Дадагга,
айтмасамми ҳах сени.
— Қўйинг,
айтманг,
ўзим ҳам
бундан хафаман жуда,
ўша ваза дадамнинг,
бошларига тушди-да.
Ҳабиб РАҲМАТ



КЎЧА ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Номига муносиб

...Ўқитувчиман. Таълим бераётган ўқувчиларимга Ватанимиз пойтахти — Она шаҳримиз ҳақида кўпроқ маълумот беришни истайман. Шунинг учун бўлса керак, кўча номига эътиборли бўлиб юрман. Дарсларимни кўчалар тарихи ҳақидаги маълумотлар билан бойитиб бораман.

Яқинда М.Маърупов номли кўчадан ўтиб қолдим. Афсуски, бу инсон ҳақида ҳеч нарсаси билмас эканман. Ўқувчиларимдан ҳам сўраб-суриштирдим, ҳатто шу кўчада истикомат қилувчилар ҳам М.Маърупов ҳақида эшитишмаган экан. Ўйлаб туриб тадқиқот гуруҳини тўздиқ, маълумот тўплаш учун манбаларни белгиллаб олдим: матбуот, Тошкент ҳақида маълумотномалар, манзиллар бюроси. Кўнлар, ойлар ўтди. Ниҳоят ҳамшаҳарларимизга айтиб берадиган бой материал тўпланди.

...Маҳмуд Маърупов Тошкентда, ҳунарманд оиласида дунёга келган. Болалиги уруш йилларида ўтган Маҳмуджоннинг орзуси ўқиб бўлди. Дарсдан сўнг ота-онасига ёрдам берав ва қўли бўш бўлди дегунча белида олиб юрган китобларни чиқариб, мутолаа қилар эди. У Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) физика-математика факультетини битирди ва ўзи учун ноёб ҳисобланган соҳани танлади — химия ва физика фанларининг интеграцияси асосида ярим ўтказгичлар устида тадқиқот ишларини

олиб борди. Илм-фандаги изланишлар, тинимсиз меҳнат ўз самарасини берди. М.Маърупов фан номзодлиги, докторлик диссертацияси ва ниҳоят, профессор унвонига сазовор бўлди.

Профессор М.Маърупов раҳбарлигида органик ферромагнетиклар технологияси бўйича биринчи бор илмий тадқиқотлар бошланди, олинган натижалар эса таҳсинга сазовор бўлди.

Профессор М.Маърупов ўзбек фанини халқимиз фарзандлари намоёндалари билан тўлдирди, уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. Бугунги кунда унинг шогирдлари Ўзбекистон Миллий университетига, республикамиз нуфузли институтларига, академик лицейларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

...Маҳмуд Маърупов ҳақида сўзлашганимизда ҳалим қаршимда ўтирган ёш ўғил-қизларда, бизнинг эртанги кунимизда!...Биз ўтиб кетган олимларимиз, санъат намоёндаларимизнинг исмлари бизга ёлғорлик бўлсин дея, уларни доимо ёдга олиб, хотирлаш учун кўчаларимизни номлаганимиз. М.Маърупов кўчасидан ўтиб, ул инсоннинг руҳлари шод бўлсин дейман, бошлаган ишлари фарзандлари, шогирдларида давом этсин дейман.

...Тошкентим кўчалари! Бирма-бир кезиб чиқсам, ҳар бирига номлари берилган инсонларни ёд этсам дейман!...

Гули ХАМРО

2001 — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

Илғор тажрибалар оммалаштирилади

Юнусобод туманидаги «Семур» болалар марказида амалга оширилётган маърифий ва соғломлаштириш ишлари кўлами кенгайиб бормоқда. Марказ мутахассисларининг бу борадаги изланишлари яхши самаралар бермоқда.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги марказининг ибратли фойдалини жойларда оммалаштириш тадбирларини кўрди. Шу мақсадда вазирлик орттирилган бой тажрибани ўрганиш ҳамда тавсиянома тайёрлаш гуруҳини тўзди.

Мазкур жараёнда болалар саломатлигини тиклаш билан боғлиқ қатор илғор иш усуллари ҳам ўз ифодасини топади.

ТАЪЛИМ

Кўшма факультет

Талаба ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш борасида Тошкент Давлат техника университетида қатор муҳим таълимий тадбирлар амалга оширилмоқда. Олий ўқув юртида компьютер ва ахборот технологияси институтининг таъшиқ этилиши ҳам нур устига нур бўлди.

Университетдаги мавжуд «Компьютер технологияси» ҳамда «Электроника ва автоматика» факультетлари негизига очилган бу янги институт таъриба-намуна сифатида юзага келди.

Олий ўқув юртида яна бир муҳим янгиллик қўл урилди. Бизнес бошқарув факультети негизига кўшма факультетни очиб тараддуди қўрилмоқда.

Германиядаги Гамбург иқтисод ва сибесат олий мактаби билан мазкур кўшма факультетни ташкил этиш бўйича шартнома имзоланди. Унда бизнес бошқарув жараёнлари билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрланади.

САНЪАТ

Рангли альбом

Мустақиллик йиллари ўзбек мўйқалам усталари учун ҳам ижодий камолот даври бўлмоқда. Шу ўн йиллик мобайнида тасвирий ва амалий санъат соҳасида талайгина янги асарлар яратилди.

Ана шу ижод намуналарини тадқиқ этиш борасида санъатшунос олимларнинг изланишлари ҳам самарали бўлди. Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан босмага тайёрланган «Янги Ўзбекистон санъати» деб номланган рангли альбомда мутахассислар ва томошабинлар ижобий баҳолаган картиналардан бир нечаси ўрин олди.

Бундан ташқари «Ўзбекистон санъати 1991-2001 йилларда» деган фундаментал илмий иш ҳам юзага келди. Мазкур йирик тадқиқотда кино, театр, музыка, тасвирий ва амалий санъат асарлари атрофида таҳлил қилинган.

Нашр этиш учун тайёрланган бу тўплам ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланди.

Ақбар АЛИЕВ

— Биласанми, болам, ўша хирага ёзувингни кўрсатгинг келмаётган бўлса, телефонда ўқиб бера қол. Майли, нима бўлса булар...

Моҳирага аягонининг топқирлиги қор қилиб, ҳиринглаб юборди. Майли деди-да, телефонда ўқиб берди. Гўзал бунга қандай эшитишди нималарни ўқиб олди, нималардан фойдаланди, худо билади. Аммо охирида Гўзал хурсандлик билдириб, «Раҳмат, ўртоқжон!» деб қўйганини эшитиб, Моҳиранинг қулгиси қистаб кетди.

Хулласи ана шу хангомалардан кейин ўқитувчига топширилган иш қандай баҳо олганини юқорида кўрдик. Гўзал, қўйилган баҳо нотўғри деб қаттиқ туриб олган, Моҳира бундай тақлиф қилди:

— Кел, бўлмаса, ёган ишларимизнинг хомаки нусхасини кўриб чиқайлик!

Гўзал бу қўтилмаган тақлифга нима дейишини билмади. Иложсиз ҳолда папкасиндан дафтарини олиб, кўрсатди. Моҳира ундаги қингир-қийшқил ёзувини қийна-қийнала ўқиган, кўзлари қиндан чиқа эбди.

— Вой-бой, роса ўшагганақансан-ку!

Салкам бир бет ёзувда, меҳнатнинг одам учун керакли нарсаси эканлиги ҳақида чала-ярим жумалар ёзилган, қанчаим ило хатолари, ноўрин қўйилган тиниш белгилари учрайди. Моҳира, буларни кўрсатиш билан бирга, айрим чалғиб кетган жойларига тўхтади. Масалан: «Меҳнат вақт келтирар», «Меҳнат соғлиқ учун кам фойдала» деган жумаларга... Биринчи жумлада «бахт» ўрнида «вақт», иккинчи жумлада «хам» ўрнида «кам» сўзларини хато ишлатганини кўрсатганди. Гўзал жижиллаб кетди:

— Ўзинг телефонда шунақа деб айтгансан-да!

— А-а, наҳотки мен шунақа хатога йўл қўйган бўлсам-а! — деб Моҳира ўз дафтаридидаги ёзувини унинг рўпарасига қўйди.

Жаҳдан ва уятдан афти-башараси кизариб кетган Гўзал дафтарга кўз ташласамми, худди кўрмаганга олиб, ўйлашиб тураберди. Моҳира шундай деди:

— Кел, бўлмаса, устоздан сурайлик-чи, қўлларидида ёзма ишларимизни олиб кўрсатсинлар. Қани, қиникини тўри экан? Гўзалнинг қапалаги учиб, дами ичига тушиб кетди...

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

● Гийбатчининг қилган гийбати ҳеч вақт пинҳон қолмайди, бу гийбат охири гийбат қилинган кишилар қулоғига етади. Натижада гийбатчининг сири кундан-кунга очилаверади ва обрўи пастлайверади.

Эй азизим, ҳар нарсанинг бир кири бўлганидек, тилининг кири гийбатдир. Гийбат сўзлари бировга нисбатан бўлган ҳийла ва ҳасад ўтидан пайдо бўлади. Бу эса мунофиқ кишилар оdatидир.

Сен имкони борича бу ёмон феълдан қутилиш йўлини қидир. Донолар айтадиларки, гийбатчи ҳеч қачон мақсадига етмайди, ҳосил боғидан умид гулини теролмайди.

Байт:

Биродар, ҳар кимки айласа гийбат,

Лойиқдир ундайга дейилса лънат.

Кир изловчи жойи жаҳаннам бўлар,

Гийбатчи билсанг бу ҳам кам бўлар.

● Хоксорлик фозил кишилар хислати ва камтарлик доно кишилар фазилатидир. Айтишларича, тупроқда шундай хислат бор: унга донга ташласалар бошоқ беради, бошоқ ташланса хирмон ҳосил бўлади. Эй азиз, тупроқ бўл, токи сендан гул униб чиқсин!

ҲИКОЯТ. Бир кун тароқ билан ойна ўзаро бахшлашиб қолдилар. Тароқ таъна учун оғиз очиб деди:

— Эй, худбинлик манбаи, эй, ҳар ерда санқиб юрувчи пастхаш тошдил, мен билан одоб тутиб гаплаш, ўз сирингни ўзинг беҳуда очма! Гарчи кўринишдан тиниқ сув каби покиза кўринсанг ҳам, аслида бир саробсан! Қаерда бўлматин, кимки сенга бир бор бокса ўша билан тил топишиб кетаверсан! Шунинг учун ҳам бир шоир қуйидаги байтни тўғри айтган:

Карагил, бу чинни ойна синди,

Ўйл бўлди, манманлик асбоби тинди.

Ойна тароқнинг гапларини эшитиб, унга шундай деди:

— Эй, тили узун, оғзи сўкилган, эй, багри тилинган қуруқ ёғоч, ҳар кимнинг ишига беҳуда хаёл билан эмас, чуқур тафаккур билан қара! Мен бир парча темирча ойна бўлсам-да, гоят қамар ва хоксорлигимдан маҳбуб жамолига етдим. Сен эса Заҳҳак каби ёмонлигинг учун бўйинига иккита қора илон (соч ўрми) ўралиб олган, Бахти қаро бўлганинг учун ҳам қора нарса ичида пинҳонсан! Шунинг учун маҳбубларнинг боши устига чиқиб олсанг ҳам, тўнтарилиб, оғзинг ерга қараб, оёнгинг осмонга бўлиб туради. Билгинки, ким нима яхшилик топган бўлса, камтарликдан топган!

● Беҳуда ва бемаврид кулиш ёмон оқибатларга дучор қилади. Ғунча чаманда беҳуда кулгани учун ел уни поралаб кетади.

Байт:

Бир кун гулоб олиш учун боргандим,

Қизил гулни ўтда кўрдиму, дедим:

«Нима қилган эдинг куйдиришмоқда?»

Деди: «Чаманзорда бир дам кулгандим!»

● Фарзанд ота-она учун жондир. Борди-ю, фарзанд ноқобил бўлса, озори жондир. Ёмон фарзанд ота-она учун бадандаги ортиқча бармоқ, кесиб ташласа оғрийди, тек қўйса, айб саналади.

Фарзанд ота-она кўзининг меҳригиёси бўлса ҳам, ноқобил бўлса, хас-хашак билан баробардир. Донолар айтадиларки, агар фарзанд тарбия билан яхши бўлмаса, ундай фарзанднинг борлигидан йўқлиги маъқул. Чунки бирор аъзони илон қақиб олса, уни кесиб ташламаса, у аъзо ўз эгасининг душмани бўлади ва ўлимига сабабчи бўлади.

Байт:

Фарзанд чикса агар ноқобил, ёмон,

Илон боққан билан тенгдир бегумон.

ҲИКОЯТ. Қўнлардан бир кун денгиз остида бир қора тош гавҳар билан мунозара қилишга киришди ва мақтаниб деди:

— Дарё биз билан ҳаёт, денгиз биздан сувга тўлау, шитобдир. Ўзим мушкн ранглиман, қошлар қорасига ўхшайман, офтоб талъат гўзаллар юзидаги қора хол ҳам менинг рангим каби қора, кўзларининг қорачиги эса рангим каби сара, ҳинд паризодларига кўз қисаман, яшил либосларига қора нукта бўламан. Сен эса оқ ранглисан, менинг олдимда рангинг бир пулдир.

Шу пайт уларнинг олдига сузиб келган балиқ тошнинг барча гапларини эшитди, унинг гавҳарга юраги эзилди, ҳасрат тикони оёғига қадалиб деди:

— Эй гавҳар, шунчалик қадру қийматинг бўла туриб, нега тошга жавоб айтмайсан, уни лол қилмайсан?

Гавҳар деди:

— Эй балиқ, қўявер, ҳақимлар сўзини эшитмаганмисан, улар шундай дейишди:

Бор эканки қуёш нури оламда,

Қуёшга мактовдир, у нур ҳар дамда.

Кимки ёмон деса қуёшни агар,

Ўзи ўзи ёмонлик тилар.

Агар бу қора юзли худбинлик лопини урса ҳам, уни ҳеч ким қадрламайди, мен гарчи мактанмасам ҳам, ҳамма менинг яхшилигимни билади. Нукта агар қуёшга доғ бўламан деса, ўзини саргардон қилади, қатра агар дарёга тенг келаман деса, бу унинг нодонлигидандир. Бир улуг кишилар: «Одам қачон ёмон бўла бошлайди?», деб сўрадилар. У: «Ўзини яхши деб тасаввур қила бошлаганда», деб жавоб берди.

Шу пайт тепадан гавҳар қидирувчи гаввос келиб қолди. Гавҳар билан тошни олиб, тепага чиқди. Оққорани танувчи саррофлар дурдона гавҳарни ўраб-чирмаб қўйдилар, тошни эса ерга урдилар. Шунда гавҳар тошга деди:

— Эй, тош, қани боягина ураётган лоф-қофинг? Тош унга:

— Гавҳари пок билан ифлос хок қачон тенг бўлсин! — деб афсус чекди.

Эй азизим, қобил фарзанд ота-онаси учун гавҳардек пок бўлса, ноқобил фарзанд улар бўйиндан бўғиб турувчи илондир.

Байт:

Инсонсан, сен учун одоб керакдир,

Йўқса барча сендан озору безор.

Ноқобил ҳар фарзанд бошгадир кулфат,

Ота-она ундан бир умрга хор.

Насибахон Мақсудова «Ўзтеледио» компанияси бош муҳарририятининг муҳаррири. «Ассалом, Ўзбекистон» дастури кўрсатувларининг тажрибали, изланувчан бошловчиси, суҳандони.

Агар вақт тушунчаси билан ўлчайдиган бўлсак, суҳандоннинг телевидениеда ишлаётганига қарийб ўттиз йилдан ошди. У бунда «Бой-чечак», «Ғунчаой» кўрсатувларида қатнашиб иш бошлаган бўлса, кейинроқ ишчи-хизматчилар, қишлоқ меҳнатқашлари давраларини олиб борди. Шаҳарларимиз тарихи ҳақида қизиқарли ва сермазмун ҳикоялари томошабинларда катта таассурот қолдиради.

Табиийки, ҳар қайси кўрсатув кейингиси учун бир кўприк ва мактаб бўлиб хизмат қилади. Ниҳоят, неча ўн йиллар мобайнидаги қизгин, ниҳоятда ранг-баранг ижодий жараёнлар уни Ўзбекистон телевидениесининг энг масъулятли ва энг оммабоп кўрсатув «Ассалом, Ўзбекистон» дастурини олиб борувчи ва муаллифларидан бири қилиб тайёрлади.

Насибахонни изланувчи ижодкор дедик. Унинг шу жиҳатига қойил қоламан ва бу фазилатини аввало унинг ишчанлигида кўраман. У доимо қийин ишга ўзини уради ва қийинчиликдан қўрқмайди. Айтайлик, ўзига сўхбатдош танлаш — бу шунчаки иш эмас. Булар шоира, қизикчи, ёзувчи, хонанда, илон ўйнатувчи, гижжакчи, раққоса, табиб, олим, артист, ошпаз, спортчи... Минг бир хил касб эгалари. Ўз соҳалари бўйича ҳар қайсилари мамлакатимизда ном қозонган одамлар. Шанба дастурини олиб бориш учун эса номдорликнинг, ўз касбининг устаси бўлишликнинг ўзи кифоя эмас. Суҳандон билан сўхбат-сўхбат туриб икки соатли кўрсатувни олиб бормоқ учун ўзига ҳос иқтидор ва салоҳият лозим. Шунинг учун ҳам Насибахон ҳар бир сўхбатдошини ўрганади, унинг ўзига ҳос жиҳатларини топади ва буларни дастур мавзусига мослаштиради, сингдиради.

Сўхбатдошлардан у кўп нарса ўрганиши билан фахрланади. Элга машҳур одамларнинг ички дунёси, маънавий олами, дунёқараши билан яқиндан танишади. Уларни қайтадан кашф этади. Халқимиз, миллатимиз орасида бундай серқирра истеъод эгалари ниҳоятда кўп эканлигидан қувонади. Энг муҳими, булар билан ҳамкорликда олиб борган кўрсатувлари халққа манзур бўлган.

Насибахон Лабзак даҳасида яшайдиган қизининг уйига бориб-келиб юрганида йўл ёқасида

руй бераётган ажиб бир манзарани кузатиб юрди. Йўл устидаги ахлат уюмлари тўпланиб ётган тепалик аста-секин тозаланди. Кейин у ер текисла-ниб, ниҳоллар экилди. Кўп ўтмай ниҳоллар бўй чўзиб, кўм-кўк боғ пайдо бўлди. Бу боғу эрамининг боғбони билан Насибахон қизиқиб қолди. Қараса улар кўп қаватли уйлارнинг тўққизинчи қаватида истиқомат қилаётган чогу кампир экан. Тиниб-тинчимас қариялар ҳақида Насибахон тайёрлаган кўрсатувнинг акс-садоси чакки бўлмади. Айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчилар бундан ибрат олиб, чор-атрофларини ободонлаштириш ишларига берилиб кетишди.



КАСБНОМА Суҳандон бўлиш осонми?

Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновни саҳнамиз юлдузларидан бири сифатида яхши биламиз. Насибахон Мақсудова эса халқ артистининг бошқа инсоний қирраларини кашф этди ва бунни томошабинга тақдим этди. ...Зикир ота ўз оиласи сардори. Кичик бир хонадонини тебратишда ўзига ҳос талбиркор, ўзига ҳос иқтисодчи. Артист ишдан бўш вақтларида қўй-эчкилар, товуқ-хўрозлар боқаркан. Томорқасида рўзгорга етгулик сабзавотлар барқ уриб ётибди. Отаҳон ер чопади, томорқасини сугоради. Кетида эргашиб юрган неварча, чевараларининг эса кўзлари пишиб боради, ҳаётга қарашлари тиниқлашади, ўткирлашади...

Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ҳақидаги бу кўрсатув ҳам тиниб-тинчимас қарияларимиз ҳақидаги мавзунинг давоми эди.

Насибахоннинг муҳлислари жуда кўп. Улар турли-туман масалаларда унга маслаҳат қилиб ҳат ёзишди: «...Қишлоғимизга табиий газ келтиришга ёрдам беринг». Ёки: «Ичимлик тоза сув билан таъминлашларини сўраб муҳожаат қилмаган жойимиз қолмади. Энди ҳамма умидимиз сиздан...»

Одамлар унга суянишди, унга ишонишди. Журналист Насибахон Мақсудова бу муаммоларни ҳал этиш бевосита унинг вазифасига кирмасида, барибир ёрдамга шошади. Жойларга етиб бо-

ради. Мутасадди ташкилотлар олдига масалани кўндаланг қилиб қўяди. Буларнинг ижроси учун курашади... Баъзи-баъзида концерт устига «мутадакко махфий — Насибахон Мақсудовага тегсин», деб ёзилган мактублар келиб қолади: «Келинимнинг дастидан дод, — деб ёзибди бир қайнона. — Уни кўрганга кўзим, отгани ўқим йўқ... Паст тушиб, баланд чиқиб шу ниятда келин тошур-гандимми?! Ноинсоф бир чойнак чой қайнатиб олдимга қўйай деймайди... Ўёғини асти сўраманг... Муллоим — Насибахон қизим, бир келиб, туриш-турмушимизни кўриб кинога олсангизу келинимнинг шармандасини чиқарсангиз».

Насибахон хатни ўқиб ўйлаб қолади: ҳеч вақт ёмонликни ёмонлик билан тузатиб бўлганми, кўнглидан кечади унинг.

У мунис, кексаларимиз дуои жонларини қилаётган ибратли келинчақлар ҳаётидан лавҳалар тайёрлади. Шанба дастурида уларни намойиш қилди... Орадан ҳеч вақт ўтмай ўша қайнонадан яна хат келди. «Келинчақлар ҳақидаги кўрсатувингизни келимим ҳам кўрган эди. Бунга қарангки, у юз фоиз яхши томонга ўзгарди-қолди. Ойи, ойижон, деб ўтказгани жой тополмайди, бояқиш. Сизга ёзишдан мурувдим шунки, ўтган гапларга саловат. Тагин келинимни ёмонлаб қўйманг. Ахир одам бир кун ундок, бир кун бундок дегандек. Бир терининг ичида қўй неча бор семирдиб, неча бор озади...»

«Ассалом, Ўзбекистон» дастури ижодкорларидан Гулсарахон Насриддинова, Дилафруз Икромов, Мамлакатхон Нормуродова, Муниҳон Тошматова, Ҳасанбой Сатторов, Толибжон Исроилов, Фахриддин Самалов, Абдулазиз Йўлдошевлар бир овоз билан Насибахонни ўзларининг устозлари деб айтишди. Оғизларидан бол томиб, бирлари олиб, бирлари қўйиб мақтадилар.

Насибахон Мақсудова ҳақида яхши гаплар эшитганим сайин у билан фахрлангим келади. Бир ўзбек қизининг дунёга келиб, ўқиб, ўрганиб, танлаган касбидан, шогирдларидан, ҳамкасбларидан, қолаверса, оиласи, бола-чақаларидан топган бахту иқболи бўлса шунчалик бўлади-да... Ҳар ким ҳам ҳаётда унингдек ўзини, ўзлигини топсин.

Насибахон ҳаёт ва ижод доволаридан ошиб бормоқда. Унга эргашганлар, унга ҳавас қилаётганларга шу азиз инсондек чиройли умр насиб этсин.

Дилбар МАҲМУДОВА

Диққат, танлов!

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги

«НАВРЎ-2002»

умумхалқ байрами муносабати билан

шаҳарнинг майдонлари ва кўчаларини

бадиий безаш учун танлов эълон қилади.

Танлов қатнашчилари жойини аниқ

кўрсатиб, ўз тақлидларини график ишлар

(фотосурат) шаклида (50х70) тақдим

этишлари шарт.

Ҳайбат томонидан танлаб олинган ишлар

«Безаш» ва «Рассом» комбинатларига

амада фойдаланиш учун тавсия этилади.

Танлов материаллари 2001 йилнинг

25 декабригача Тошкент шаҳар,

Мовароуннахр кўчаси, 11 бинода

жойлашган Ободонлаштириш бош

бошқармасига топширилиши

(22-хона) лозим.

Маълумот учун телефонлар:

133-35-14, 133-72-71.

«050»: ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ХАБАРЛАРИ

«Рухлар ўйини»

Қутқарув хизматининг навбатчилик бўлимига пойтахтдаги С. Раҳимов тумани, Форобий даҳаси Аллан тор кўчаси, 23-«А» уйда яшовчи Малоҳат исмли аёл кўнгирок қилиб, уйларида анчадан бери турли буюм, шакф ва гарнитурлар ўрнидан силжиши, турли хил овоз ва мусиқа товушлари эшитилиши ҳақида ва бу жараён ҳозир ҳам давом этаётганлигини маълум қилди.

Қутқарувчилар мазкур хонадонга етиб борганида «руҳлар ўйини» ҳануз давом этарди. Уларнинг ҳаракатлари ва овозлари видео ва аудио кассеталарга ёзиб олинди.

Сув тўхтатилди

Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекати ёнидаги Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 78-уй, 54-хонадонда сув жўраги очик қолдирилгани ва уйда ҳеч ким бўлмаганлиги сабабли ваннадан сув тошиб, пастки қаватларга оқиб тушаётганлиги ҳақида хабар қилинди.

Қутқарувчилар эшикни очиб, сувни тўхтатдилар.

Сафар қолдирилмади

Миробод тумани Нукус кўчаси, 1-уй, 96-хонадонда яшовчи Мирзаахмедов хизмат сафари билан Лондонга учибди керак эди. Уй эгаси самолёт учибига 2 соат қолганида уй эшиги очилмаётганлигини билиб қолди.

Қутқарув хизмати ходимлари зудлик билан ўша хонадонга етиб бордилар. Махсус кенгайтирилгич асбоб ёрдамида эшик очилди. Сафар қолдирилмади. Мирзаахмедов Лондонга учиб кетди.

Эшик очилди

2/1 Қорақамш даҳаси 39-уй, 65-хонадонда яшовчи 81 ёшли аёлининг эшиги қулфлини қолганлиги учун уйдан чиқолмаётганлиги тўғрисида қўшнилари қутқарув хизмати бўлимига хабар қилишди. Қутқарувчилар эшикни очишди.

Лифтдан чиқарилди

Себзор даҳаси, 93-а-уй, 1-йўлакдаги хонадонларнинг бирида яшовчи Нурхоновнинг 6 ёшли боласи лифтда қамалиб қолгани тўғрисида хабар тушди.

Қутқарувчилар болани лифтдан чиқардилар.

Ўткир САИДОВ, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг матбуот котиби.

БИЛАСИЗМИ?

Куёш одам

Бу ривоят эмас, ҳақиқат. Дэвид Брюстернинг гувоҳлик беришича, дунёда танҳо қуёшга ўхшаган одам бўлган. У айниқса, кундузи ўзидан қизғиш нурлар чиқариб, гулларнинг очилишини тезлаштирган, бугдой бошоқларининг тилла ранг олишига кўмак берган. Тунда эса ўзидан нур чиқарган. Бу нур баъзи одамларга ёқмаган бўлса, баъзиларнинг турли касалликларига даво бўлган. Лекин ўрта аср жоҳиллиги бу одамни «жодугар-лида» айблаган. Черков айнакча, бунақа нарсаларга қарши эди. Черков ўзининг баъзи иллатлари ошкор бўлиб қолишидан қўрқиб, одамларни итотда тутиб туришининг турли йўллари қидирар эди. Бу нарса унга осонгина ниқоб бўлиб хизмат қилган.

Улар қуёш одамни ёндириб ташламоққа қарор қилишган. Черков ҳукм ҳам чиқарган. Аммо у ўтда ёнмаган. Шунда руҳонийлар учун яна бир баҳона топилган. Уни ҳақиқий шайтон деб эълон қилишган. Ҳатто худонинг ўзи томонидан чиқарилган фармон, деб осиб ўлдиришга ҳукм қилинган. Аммо бўйнига арқон-сиртмоқ солинганда, сиртмоқ ёниб кетган. Шунда ҳам у мағрур эди. Ўзини қандай қилиб ўлдиришни билмаётган руҳонийлар устидан очикчасига қуларди. Унинг бутун умри одамларга яхшилик қилиш билан ўтди. Оддий камбағалларнинг ҳимоячиси ва хомийси бўлган қуёш одам 98 йил умр кўрди.

Мирзамир
МИРЗАШАРИПОВ
тайёрлади.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК!

Ижод уйда бир адиб иккинчидан сўради:
— Ҳозир нима қилаяпсан?
— Хотиралар ёзаялман.
— Эй, қандай яхши! Ҳали мендан уй юз сўм қарз олган жойингга келганинг йўқми, биродар?!

— Жонгинам, изиринда совоктамдинми?
— Совқатган бўлсам нима эди?
— Ме, унда нега қалтирамаяпсан?

Семиз аёл соҳилда танишини қутиб, айланиб юрибди. Бир бола бир қадам ҳам қол-

май, унга эргашиб юрибди.

— Хой бола, нима дейсан?

— Дебди унга хотин. — Мендан бирон нарса сўрамоқчимисан?

— Йўқ, холажон, мен сояда юришини яхши кўраман!

— Менимча қўзим, сен ўйламай эрга тегмоқчи бўляпсан.

— Ахир ўзингиз бу ҳақда ўйлашга ҳали ёшлик қиласан дегансиз-ку!

Кечаси кимдир санаторийда палаталардан бирини қаттиқ тақиллатди. Бевовта бўлган дам олувчи ҳаҳр билан сўрайди:

— Ким у?

— Санаторий ёнапти!

— Нега бевовта қиласиз, ахир мен ўт ўчирувчи эмасман-ку!

Соҳибжамол қиз тўлкинларни ёнғолмай чўка бошлабди. Йигит денгизга ташланиб, бир неча марта шўнғиб, қизни олиб чиқибди. Соҳилда қизини қутиб турган онаси эса ҳаҳл билан йигитга дебди:

— Дарҳол менга жавоб берингчи, нима учун қизим билан сув остида шунчалик узок қолиб кетдингиз?

Маълумра НАБИЕВА тўплаган.



Спорт билан мунтазам шуғулланамиз.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилими:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар:

133-28-95, 132-11-39,

факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума

кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳаж